



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 134 (11.445)

Баҳоси эркин нарҳда

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари ҳамда Ўзбекистонга келган Корея компаниялари делегацияси ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Учрашув давомида корейс ишбилармон доираларининг Ўзбекистонга нисбатан қизиқишлари ошириб бораётганлиги кўзга ташланди.

• Нукусда хотин-қизлар ва оилаларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи марказ иш бошлади. «Қалб нури» деб ном олган ушбу марказнинг асосий мақсади хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрнини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Ушбу мақсадда бу ерда 10 дан ортиқ касбларга ўргатувчи курслар ташкил қилинди.

• Андижон шаҳридаги Алишер Навоий номи маданият ва истироҳат боғида «Маф-тункор ранглар жилоси» республика кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда туман ва шаҳар босқичларида голиб бўлган 30 нафарга яқин иқтидорли болалар иштирок этди.

• «Саломатлик — 2» лойиҳасига мувофиқ Сурхондарё вилоят тиббиёт муассасаларига 26 та «Дамас» ва 6 та «Жундай» «Тез ёрдам» автомашиналари топширилди. Замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган «Жундай» автомашиналари республика шошилинч тиббий ёрдам илмий-амалий маркази Термиз филиали, «Дамас» автомашиналари эса туманлардаги қишлоқ врачлик пунктлари ихтиёрига берилди.

• Қашқадарё вилоятининг Ғузор туманида «Ростехнотранссервис» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси иш бошлади. Аҳоли ва ташкилотларга автотранспорт хизмати кўрсатишга ихтисослашган мазкур корхонанинг жамғармаси 150 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, тез орада корхона томонидан юк ташуви ҳамда махсус қурилиш хизматларини кўрсатиш бошланади.

• Тошкент вилоятининг «Аранчи» аэродромида ёшлар ўртасида авиамодел ва ракета-модел спорти бўйича Ўзбекистон биринчилиги баҳслари якунланди.

• Бўстонлик туманида фаолият юритаётган «OSBORN TEXTILE» хорижий корхонаси тўла қувват билан ишлаш бошлади. Мазкур корхона йилга 2040 тонна ип ва калава ип тайёрлаш қувватига эга бўлиб, йил бошидан буён бу ерда 4 миллиард сўмлик яқин маҳсулот ишлаб чиқарилди ва унинг асосий қисми экспорт қилинди. Ҳозирда мазкур хорижий корхонада 420 нафар йигит-қиз меҳнат қилмоқда.

ЖАҲОНДА

• Италиянинг Аквила шаҳрида давом этаётган «катта саккизлик»ка аъзо мамлакатлар саммитининг биринчи кун якунларига кўра, анжуманда иштирок этаётган давлатлар раҳбарлари ядро қуролини тарқатмаслик тўғрисида, терроризмга қарши кураш бўйича муҳим ҳужжатларни қабул қилдилар.

• Жаҳон банки Бурунди давлатига 70 миллион АҚШ доллари миқдорда моддий ёрдам кўрсатишга қарор қилди. Бурунди молия вазирлигининг маълум қилишича, мазкур маблағ 2009-2011 йиллар мобайнида мамлакат мудофаа тузилмаси ва соғлиқни сақлаш тизимини яхшилашга йўналтирилади.

• Гондураснинг ағдарилган президенти Мануэль Селайя ва мамлакатнинг янги раҳбари Роберто Мичелетти музокаралар ўтказиш юзасидан келишиб олишди.

• Россия қуролли кучлари таркибида янги тизим — Ҳаво-космик мудофаа бирлашган стратегик кўмондонлиги ташкил этилди.

• Кеча сомалилик қароқчилар бортида 23 киши бўлган Туркияга тегишли юк кемасини гаровга олишди.

• Сурия Президенти Башар Асаднинг таъкидлашича, Жўлон тепаликлари озод этилмас экан, Яқин Шарқда тинчликнинг ўрнатилиши мушкул.

• Францияда Франция ва Испания полициячилари томонидан ўтказилган махсус операция чоғида Басс айирмачи гуруҳининг аъзолари ушланди. Қўлга олинганлар ЭТА айирмачи гуруҳининг фаол аъзолари саналади. Улар юқоридаги икки давлат ҳудудида қўпуровчилик ҳаракатларини ташкил этишда гумон қилинапти.

• Вьетнам шимолида тинимсиз ёққан ёмғир сув тошқинларини келтириб чиқариши натижасида ҳозирга қадар 22 киши ҳалок бўлган, 14 киши бедарак йўқолган. Сув тошқинлари экин майдонларига ҳам жиддий талафот етказган.

• Австралиялик палеонтологлар мамлакатда номатълум турга мансуб бўлган учта динозавр қолдиқларини топилди. Кейинги йилларда энг жиддий топила деяр эфирот этилган ноёб динозаврлар суякларини тахминан 93 миллион йилга тенг. Улар «Бўр даври» (Мезозой эрасининг учинчи геологик даври)да яшаган бўлиши мумкин.



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

2200
ЙИЛЛИГИГА



Ёшлар — келажгимиз

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР!

Тошкент Архитектура-қурилиш институтида битирувчи магистрантларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

Олти йил ушбу даргоҳда кадрдон устозлардан таълим олган битирувчи ёшларнинг қалбларида ҳаяжон, кўзларида чексиз қувонч. Негаки, улар бугун тўлиқ олий маълумот тўғрисидаги дипломни қўлга олиб, эндиликда ўзлари орзу қилган мутахассислик бўйича иш фао-

лиятларини бошлайдилар. Шу кун институти муваффақиятли тамомлаган ёшларни мустақил ҳаётга кузатиш маросими ўзига хос тантананага айланди. Маросимни Тошкент Архитектура-қурилиш институти ректори Маҳаммадjon Мираҳмедов кириш сўзи билан очар экан, би-

тирувчи ёшларни ҳаётларидаги энг унутилмас, қувончли кун — қўлларига диплом олиб, мустақил ҳаётга қадам қўяётганликлари билан чин дилдан самимий қўллади. Келгусида Ватанимиз тараққиётига муносиб хисса қўшадиган етук мутахассис бўлиб етишишлари тилак билдирди. Шундан сўнг битирувчи магистрантларга тантанали равишда дипломларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

(Давоми 2-бетда).



Германиянинг йирик иқтисодий ва илмий-маданий марказларидан бири — Франкфурт шаҳрида Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

ФРАНКФУРТДА ТОШКЕНТНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

«Ўзбекистон — Германия» ва «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамиятлари билан ҳамкорликда ўтказилган кечада Гессен федерал ерининг расмий, ижтимоий-сиёсий, маданий ва иқтисодий доиралари ҳамда Франкфурт шаҳрида аккредитациядан ўтган дипломатик ваколатхоналарнинг раҳбарлари иштирок этди.

Иштирокчиларга ўзбек халқининг бой тарихий ва маданий мероси, жаҳон тамаддуни ривожига бекиёс хисса қўшган буюк бобоконларимиз, давлат арбоблари, олим уламолар, юртимизнинг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари тўғрисида атрафлича маълумот берилди.

Йигилганларда мамлакат раҳбарияти томонидан ўзбек халқининг миллий қадриятлари, тарихий ва маънавий меросини тиклаш ва асраб-авайлаш, Тошкентни ободонлаштириш, унинг ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган чора-тадбирлар катта қизиқиш уйғотди. Шу ўринда

2007 йилда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ҳақоро ислом ташкилоти (ISESCO) томонидан Тошкентнинг Ислам маданияти пойтахти, деб эълон қилингани унинг инсоният тараққиётида тутган бекиёс аҳамиятидан далолат бериши таъкидланди.

Тадбирда сўзга чиққан Бонн шаҳридаги «Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти ижрочи директори Дагмар Херманн Ўзбекистоннинг кўнра замини, қадимий шаҳарлари, шонли тарихи, дунёга донг таратган мейморий обидалари бугун жаҳон аҳлини, хусусан германиялик сайёҳларни ҳам асрлар оша ўзига мафтун этиб, чорлаб келаятганини эътироф этди. «Юбилей муносабати билан Тошкентда амалга оширилаётган кенг миқёсли бунёдкорлик ишлари Ўзбекистон пойтахтининг кўрғига кўрк қўшиб, жаҳон жамоатчилигининг Тошкентга ва умуман, Ўзбекистонга бўлган қизиқишининг ортшига хизмат қилади», — деди Д.Херманн.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ИШ ҲАҚИ, ПЕНСИЯЛАР, СТИПЕНДИЯЛАР ВА ИЖТИМОЙ НАФАҚАЛАР МИҚДОРINI ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Республика аҳолисининг даромадлари ва турмуш даражасини янада муттасил ошириб бориш, фуқароларга ижтимоий мададни кучайтириш мақсадида:

1. 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар ҳамда ижтимоий нафақалар, стипендиялар миқдори ўрта ҳисобда 1,25 баравар оширилсин.

2. 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида энг кам: иш ҳақи — ойига 33 645 сўм; ёшга доир пенсиялар — ойига 66 660 сўм; ягона тариф сеткаси бўйича бошланғич (нулинчи) разряд — ойига 33 645 сўм; болаликдан ногиронларга бериладиган нафақа — ойига 66 660 сўм;

зарур иш стажига эга бўлмаган кекса ёшдаги ва меҳнатга лаёқатсиз фуқароларга бериладиган нафақа ойига 40 375 сўм миқдорига белгилансин.

3. Белгилаб қўйилсинки, иш ҳақига қўшилган устама ва қўшимча ҳақларнинг барча турлари, шунингдек, пенсиялар, икки ёшгача бўлган болаларни тарбиялаётган оналарга, болали оилаларга бериладиган нафақалар ҳамда энг кам иш ҳақига нисбатан белгиланган компенсация ва бошқа тўловлар 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақи миқдоридан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги вазирликлари, идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари, бюджетдан молияланадиган ташкилот ҳамда муассасалар билан биргаликда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг лавозим маошлари миқдорини мазкур Фармон қоидаларидан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида қайта ҳисоблаб чиқишни таъминласин.

5. Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендияларнинг оширилиши билан боғлиқ харажатлар республика Давлат бюджетига ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ҳисобидан амалга оширилсин.

6. Хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотлар 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб мазкур Фармонда белгиланган энг кам иш ҳақига мувофиқ, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига иш ҳақи миқдорини оширсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 22 октябрдаги ПФ-4042-сонли Фармони (7-банди истисно қилинган ҳолда) 2009 йилнинг 1 августидан бошлаб ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳамасига тақлифлар киритсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамаси ушбу Фармонни амалга ошириш юзасидан бир ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

10. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 8 июль

ҚИСҚА САТРАЛДАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги 204-мактаб қошида ташкил этилган ёзги болалар оромгоҳида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида тарбияланувчилар ўртасида «Шаҳрим жамоли» мавзусида уюштирилган асфальтга расм чизиш кўрик-танлови асим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.


✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида уюштирилган бўш иш ўринлари ярмаркасида Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига қарашли ўқув юртлари битирувчи талабалари, ўқувчилари иштирок этишди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Ғулум номидаги маданият ва истироҳат боғида «Барчани рақсга таклиф қиламиз» мавзусида ўтказилган адабий кеча ва концерт дастури Тошкент шаҳар корейс миллий маданият маркази ҳамкорлигида уюштирилди.

✓ **БУГУН** Фафур Ғулум номидаги маданият ва истироҳат боғида мактаблар қошидаги ёзги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари тарбияланувчилари иштирокида асим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишлаб уюштирилган шаҳар фестивали «Гўлла, яна — гўзал Тошкентим!» деб номланди.

ТИНЧИК ВА ДУСТИК РАҶИ
2200
2009
ТОШКЕНТ

ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН, АЗИМ ПОЙТАХТИМ!



Юнусобод туманидаги «Оқтепа» маҳалласида «Тошкент — азим пойтахтим» мавзuida ўтказилган анжуман ҳам гўзал шаҳримиз юбилейига бағишланди. Унда Юнусобод туман ҳокимлиги, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи, «Маҳалла» жамғармаси, Маънавият тарғибот маркази туман бўлимлари вакиллари ҳамда 274-мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари ва маҳалла фаоллари иштирок этишди. Тадбирни Юнусобод туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Баҳодир Мусаев кириш сўзи билан очар экан, яқин йиллар ичида туманда амалга оширилган ишлар, Тошкентнинг 2200 йиллиги олдидан бажарилаётган кенг кўламли юмушлар ҳақида гапириб, сўнгги икки йил ичида маҳалла ҳудудидаги мактаб, лицей ва коллежлар, спорт мажмуаси қайта таъмирланганлиги, эндиликда маҳалланинг асосий кўчаларига асфальт ётқизиш ишлари ре-

Анжуманлар

МАҲАЛЛА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Айни кунларда ҳамisha навқирон ва кўҳна шаҳримиз Тошкентнинг таърифи тилларда дoston бўлмоқда. 2200 йиллик тўйи нишонланадиган азим шаҳримизда ободончилик, бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Жойларда Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишланган анжуманлар, танловлар, учрашув кечалари ўтказилмоқда.

жалаштирилганлигини таъкидлаб ўтди. Мустақиллигимизнинг 18 йиллик байрами ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига туманни янада обод ва кўркем, гўзал масканга айлантиришга барча масъул эканлигини қайд этди.

Дарҳақиқат, ушбу маҳалладаги ўзгаришлар кўзга кўринари. Кейинги беш йил маҳалла ҳаётида тубдан ўзгаришлар йили бўлди.

Тадбир давомида сўзга чиққан профессор М.Исҳоқов, Ўзбекистон тарихи Давлат музейи директори

Ж.Исмоилова Тошкент шаҳрининг узоқ ўтмиши, тарихи, тараққиёт босқичлари ва бугунги ҳақида қизиқарли маъруза қилди. Шундан сўнг экранда «Оқтепа» маҳалласининг қадимги кўриниши муҳрланган суратлар ва хари-таси намойиши йиғилганлар эътиборини тортди.

Анжуман якунида «Оқтепа» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Эркин Турсунов сўз олиб, пойтахтимизнинг кўтулғу тўйини муносиб кутиб олиш учун маҳаллада қилинаётган ишларга тўхта-

лар экан, байрамга тайёр-гарлик уч йўналишда, яъни маънавий-маърифий, ободонлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар бўйича амалга оширилаётганлигини айтиб ўтди. Буларнинг барчасида маҳалла аҳли ва фаолларининг ҳиссаси катта эканлигини таъкидлаб, кейинги режалар билан таъиништирди.

Қизиқарли мулоқот ва мунозаралар остида ўтган анжуман йиғилганларда илқ таассурот қолдирди. **Зебунисо НАЗИРОВА, ЎЗМУ талабаси**

Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида «Тошкентим — она шаҳрим» деб номланган байрам тадбири ўтказилди. Кўҳна ва навқирон Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишлаб ўтказилган тадбирда «Камолот» ЁИҲ Юнусобод туман бўлими Кенгаши қошида очилган Ёшлар ижтимоий хизматлар марказининг етакчилари иштирок этишди.

Тадбирлар

ТОШКЕНТИМ — ОНА ШАҲРИМ

Ёшлар ўз қобилиятларини компьютер саводхонлиги, тикувчилик, ёш ижодкорлар, расомчилик, чет тили, соч турмаклаш каби тўғарақларда намойён этишди. Бир вақтнинг ўзида расомчилик тўғарагининг аъзолари «Тошкентим — она шаҳрим» шиори остида пойтахтга бағишлаб асарлар яратишди. Бунда 143-мактаб битирувчиси Мохинур Муҳаммадова ва 51-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Роҳила Қодированинг «Пойтахт бинолари» номи расмлари, айниқса барчага манзур бўлди. Чет тили ўқув курси аъзолари томонидан инглиз тилидаги саҳна кўринишлари, «Моҳир кўллар» тўғараги аъзолари яратган кўркем либослар, «Соғломлаштириш-рақс» тўғараги аъзоларининг арабча, ўзбекча рақслари намойиши йиғилганларга ўзгача хуш кайфият улашди. Шунингдек, Юнусобод туманида истиқомат қилаётган иқтидорли ёшлар каштачилик, зардўзлик, ҳайкалтарошлик, архитектура, расомчилик йўналишлари бўйича ўз ишора намуналарини кўргазмали чиқишларда намойиш этидилар.

— Мана шундай тадбирларни ўтказишдан мақсад, — дейди Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи бадиий раҳбари Дилфарўз Муҳитдинова, — ёшларни мустақил ҳаётга қадам қўйиб, бирор хунар эгаси бўлишлари, уларнинг ижтимоий фаоллигини, маънавий баркамоллигини, ахлоқий тарбияси ҳамда юксак ҳуқуқий маданиятини оширишга кўмаклашиш, ўсиб келаётган ёш авлодининг интеллектуал салоҳиятини кучайтириш ҳамда ёзги таътилда уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишдан иборат.

Тадбир якунида иштирокчиларга Юнусобод туман Ёшлар ижтимоий хизматлар маркази томонидан боғдаги ўйингоҳларга бепул чипталар ва эсдалик совғалари тарқатилди.

Жавлонбек САФАРОВ

Асарда шоир Тошкент боғларини таърифлар экан: **Тошкент мулкин буюн таърифин этай, Нукталар шодасин назмга битай.**

Теграсин қуршаган гўзал чорбоғлар, Алардан эрамнинг кўсиди доғлар, — деб ёзди.

Тошкент боғ-роғларига мафтун бўлган шоир умрининг охиригача Тошкентда яшаб қолади (унинг қабри Суянчўжагон қабри, Бароқхон мадрасасидаги хужралар билан уйғунлашиб кетган мақбарда бўлган. Ушбу мақбара ҳозир ҳам мавжуд).

Бароқхон (ҳақиқий номи Наврўз Аҳмадхон) — Тошкент хони, Абулхайрхоннинг набираси. Тошкент ҳокими Суянчўжагоннинг кичик ўғли.

Отасининг вафотидан кейин Тошкент ҳокимлиги тахтига ўтирган (1525 — 1551) Восифийнинг шерьият мусика, ашула, вазн ва назмдан таълим олган. Абулхайрхон вафотидан кейин 1551 йилда Самарқанд тахтига ўтирган ва Наврўз-Аҳмадхон номи билан Мовароуннахрни бошқарган.

Унинг номи билан танга пуллар зарб этилган. 1556 йилда Зарафшон дарёсидан бошланган Дарғом каналининг бош иншооти Равотўжа тўғонини узаттириш учун келган ва шу ерда тўсатдан вафот этган. Масжид ва мадрасалар қурдирган. Ҳозирда ҳам шаҳримиз кўрки бўлиб турган, 2007 йил тўлиқ таъмирдан чиқарилган Ҳазрати имом мажмуасидаги Суянчўжагон, Қафол Шойий мақбаралари ва Бароқхон мадрасаси шулар жумласидандир.

Дарвешхон Тошкент ҳокими (1556 — 1582) Бароқхоннинг ўғли, Суянчўжагоннинг набираси. Шаҳристоннинг жанубий-ғарбида Хожа Аҳрорнинг Жоме масжиди ва мадрасасига уйғунлашган, ажойиб бир иншоотни ташкил қилган, ҳозирда ҳам мавжуд бўлган Кўқалдош мадрасасини қурдирди. 1582 йилда Тошкент Бухоро хони Абдуллахон томонидан забт этилган, ҳокимликдан четлатилган.

Хўш Хожа Аҳрор ким? Бу зотнинг Тошкентга қандай алоқаси бор? Тарихий манбаларда ёзилишича, Хожа Убайдулло — Хожа Аҳрор 1404 йилда Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманига қарашли Богистон қишлоғида тавалуд топган. Хожа Аҳрор Валий мусулмон оламнинг улғу мутасаввиף донишмандлари орасида ўзига ҳош мўътабар ўрин тутди. Унинг буюклиги шундаки, Хожа Аҳрорнинг табарук сиймосида исломий фидойилик, адалатпешалик, инсоф тавфиқ, ғарибпарварлик, фақирлик ва давлатмандлик муҷассам эди.

Хожа Аҳрорнинг болалик ва ёшлик даври Тошкентда ўтган. У тошкентлик марҳум алломалар Қафол Шойий, Шайх Хованди Тоҳур, Шайх Зайниддин Қуйи Орифонларнинг ҳаёти ва фаолиятлари билан қизиққан. Уларнинг марҳадларини зиёрат қилиб турган. У Самарқанд ва Қобулда ҳам мадрасалар қурдирди. Бул зотнинг асл исми Убайдулло бўлиб, Аҳрор ибораси хур, олижаноб маъносини дағи лакабидир.

Мусулмон дунёси тарихида ўтган 356 нафар авлиёлардан фақат учтасига «кутб ул-иктоб» сифатида эътироф этилган. Мазкур уч авлиёнинг бири — Хожа Аҳрор эди.

Абдулазиз МУҲАММАДҚАРИМОВ, Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамғармаси Тошкент шаҳар бўлими раиси

ФРАНКФУРТДА ТОШКЕНТНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН КЕЧА

(Давоми. Боши 1-бетда).

“Levitin Reisen” сайёҳлик компанияси раҳбари С.Левитан инсоният тарихида муҳим ўрин тутган, жаҳон маданий меросининг энг ёрқин намуналаридан саналган Буюк Ипак йўлидаги Самарқанд, Бухоро, Хива каби кўҳна шаҳарлар билан бир қаторда, Тошкент ҳам азалдан ҳақли равишда Шарқнинг энг қадимий маданият, фан ва маърифат ўчоқларидан бири сифатида эътироф этилганини қайд этди.

“Тошкентни бежиздан “Шарқ дарвозаси” деб аташмайди, — деди С.Левитан. — Бугунги тадбир барча қатнашчиларга Тошкентнинг қадимий тарихи ва замонавий ҳаёти билан яқиндан танишиш учун қулай имконият яратди. У икки халқ ўртасидаги дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлашга ва маданиятлараро мулоқотни кучайтиришга хизмат қилишига шубҳа йўқ”.

«Германия — Ўзбекистон» дўстлик жамияти аъзоси Г. Асташова айна пайта қадар Ўзбекистонда ЮНЕСКО шафёғлигида Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Шаҳрисабз, Қарши ва Марғилон каби шаҳарларнинг юбилейлари кенг нишонланганига эътибор қаратди. Г.Асташова, шунигиндек, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари тўғрисидаги фикрлари билан ҳам ўртоқлашди.

Тадбир доирасида Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ва меъморий ёдгорликлари ҳақида ҳикоя қилувчи ҳужжатли фильм намойиши бўлиб ўтиб, Тошкентнинг кўҳна тарихи ва бугунги ҳаёти акс этган фотосуратлар кўргазмаси ташкил этилди.

Шухрат УМИРОВ, “Жаҳон” АА. Франкфурт.

ОҚ ЙЎЛ СИЗГА, БИТИРУВЧИЛАР!

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шу ўринда айтиш жоизки, Тошкент Архитектура-қурилиш институти Президентимизнинг 1991 йил 6 майдаги Фармонида асосан ташкил этилган бўлиб, ўқув масканида 4 та, яъни «Архитектура», «Қурилишни бошқариш», «Бино ва иншоотлар қурилиши» ва «Муҳандислик сервис» факультетларида 15 та таълим йўналиши бўйича бакалаврлар ва 19 та мутахассислик бўйича магистрлар тайёрланмоқда.

— Бугун институтни жами 20 та мутахассислик бўйича 102 нафар магистрлар муваффақиятли тамомлаб, қўлларига диплом олишди, — дейди магистратура бўлими бошлиғи Санжар Норбоев. — Битирувчи ёшлар ўз мутахассисликлари бўйича йўлланма асосида иш билан таъминланганлар. Шулардан 10 нафари институтда аспирантурада илмий-тадқиқот ишларини олиб бориб ўқитувчи сифатида ўз фаолиятларини шу даргоҳда давом эттириш ниятидалар. Битирувчиларимиз орасида билимга чанқоқ, истеъдодли, изланувчан ёшлар кўп. Улар ичида Навойи стипендиатлари ҳам бор. Ўйлаймизки, институтимизда таълим олган талабаларимиз, эндиликда илмий салоҳиятларини янада ошириб, олган билимларини амалда исбот қиладилар, ажойиб меъморий обидалар яратиб, мамлакатимиз тараққиёти йўлида муносиб ҳисса қўшадилар.

Шодиёна маросимда шунингдек, институт профессор-ўқитувчилари ёшларга оқ йўл тилаб, эзгу истақлар билдиришди. Ўз ўрнида ота-оналар, битирувчи ёшлар ҳам сўзга чиқиб, институтнинг жонкуяр, меҳрибон ўқитувчи-устозларига чин юракдан миннатдорликларини изҳор этдилар.

— Ҳар бир инсон ҳаётда устозлардан таълим олиб камолга етади. Мен ҳам шу институтда олти йил хурматли устозларимдан сабоқ олиб, бугун магистр даражасига эришдим. Бугун мен учун ҳаётимда энг қувончли, унутилмас кун. Шундай даргоҳда таълим олганимдан бахтиёрман, — дейди институтнинг газнефть омборларини лойиҳалаш мутахассислиги бўйича битирувчи магистранти Маъмур Зокирхўжаев. — Мақсадим, келгусида мутахассислигим бўйича лойиҳа институтларида иш фаолиятимни давом эттириб, юртимиз архитектура сивожиға муносиб ҳисса қўшишдир.

Дилоррам ИКРОМОВА СУРАТДА: Тошкент Архитектура — қурилиш институтида магистрантларга диплом топириш маросимидан лавҳа. Аъло Абдуллаев олган сурат.

IX асрда Чоч ўлкасининг бош шаҳри янги жойда Бўзсув каналининг тармоғи Кайкобус ариғи соҳилида бунёд этила бошлайди. Қайта барпо этилган шаҳар араб географлари асарларида «Банкат» номи билан атала бошланади.

Тошкентнинг тўрт даҳаси туташган жойда, яъни ҳозирги Зарқайнар, Алишер Навоий кўчалари, Чорсу майдони ва Эски Жўва базори билан чегараланган «Гулбозор» маҳалласи ҳудудида Тошкентнинг Шаҳристон ҳудудида 15 гектарга яқин жойни эгаллаган Шаҳристон ҳудудида Хон ўрдаси, мулкдор бойларнинг кўш ва кўргонлари, шунингдек, масжид ва мадрасалар бўлган. Хон Шаҳристоннинг ҳам мудофаа деворлари, Абул Аббос, Гумбаз ва Кеш номлари билан аталган уч дарвозаси бўлган.

Шаҳристоннинг ҳозирги «Гулбозор» маҳалласида бутун Туркистон ва Хурсонда пири муридлардан бири даражасига кўтарилган, номи бутун ислом дунёсида улуғланган Хожа Аҳрор Валий 1451 йилда Жоме масжиди қурдирган. Масжид ўз даврининг салобатли ва муҳташам биноларидан ҳисобланиб, унда жума ва ҳайит намозлари, хутбалар ўқилган, диний маърузалар тингланган.

Мустақиллик йилларида нураб қолган бу масжид биноси бузилиб, ўрнига Хожа Аҳрор номи билан замонавий янги масжид биноси қад кўтарди.

1454 йилда яна Хожа Аҳрор томонидан жоме масжидининг рўпарасида XV-XVI асрларда урф бўла бошлаган лойиҳа асосида дастлабки мадраса биноси қурилади. 1460 йилда Алишер Навоийнинг замондоши ва устози Абдураҳмон Жомий Тошкентга келганда бир ой шу мадраса хужраларидан бирида яшаган. Уккоша бўлоғи муқаддас ҳисобланган.

Мадраса талабалари ҳузурда Хожа Аҳрор, Абдураҳмон Жомий ва шунингдек Мирзо Улуғбекнинг шогирди Али Қушчининг набираси Ҳофиз Кўҳакий, Навоийнинг замондоши ва шогирди Зайниддин Восифий каби табаррук зотлар маърузалар ўқилган.

1890 йилда «Туркестанские ведомости» газетасининг редактори Остроумов Шайхонтоҳур даҳасининг қозиси, Хожа Аҳрор мадрасасининг мударриси Шарифхўжа Пошшаўжаев билан унинг ҳовлисида ва мадраса биносидан узоқ суҳбатлашди ва ўша йили газетанинг 10 июль сонидида Шарифхўжа суҳбатидан манун бўлганлиги ва қойил қолганлигини ёзиб: «У Тошкент қозиларининг энг билимдон, Хожа Аҳрор мадрасасининг энг катта профессори» деб айтди.

1485 йилда Хожа Аҳрорнинг сазй-ҳаракати билан Тошкент шаҳри ва вилоятини бошқариш Мўғулистон хони Юнусхонга топширилади. Хўш, Юнусхон ким?

Юнусхон (1485 — 1487) — Тошкент ҳокими, Мўғулистон хони Вайсхоннинг ўғли, Бобурнинг онаси Қутлўғ Нигорхонимнинг отаси. Унинг яна бир набираси Хўб Нигорхонимнинг ўғли Мирзо Муҳаммад Хайдар Қашқарда, сўнг Қашмирда Бобурийлар номидан ҳукмронлик қилган. «Бобурнома»нинг давоми сифатида «Тарихи Рошидий» номи тарихий асар ёзган. Тадбирли лашкарбоши бўлган. Зеро, унинг исми ҳам ҳолаватчиси Бобурга ўхшаб шер маъносини аңглатади.

Юнусхон Хурсонда Шарофиддин Али Яздийдан таълим олган. Абу Саид Мирзо топшириғи билан Тошкент, Фарғона ва Еттисув ҳудудини бошқарган. 1462 йилда акаси Эсон Бугахоннинг ўлимидан сўнг Мўғулистон тахтига ўтирган.

Қисқа муддатли ҳукмронлиги давомида у Тошкентда масжид ва мадрасалар, мустаҳкам истеҳкомлар қурдирган. Бугунги кунда Юнусхондан унинг фарзандлари томонидан қурдирилган Шайх Хованди Тоҳур зиёратгоҳи ҳудудидаги мақбара сақланиб қолган. Мақбара темирыйлар даври ёдгорликларининг Тошкентдаги энг ноёб ва қадимий (XV асрнинг охири) обидаларидан бири ҳисобланади.

Мақбара ўтган асрнинг 80-йилларида қисман, муста-

Улуғ аждодларимиз тарихидан

ХОЖА АҲРОР ВАЛИЙ

қилликдан сўнг тўлиқ таъмирдан чиқарилган.

Хожа Аҳрор Валий томонидан XV асрнинг иккинчи ярмида Шайхонтоҳур зиёратгоҳидаги Шайх Хованди Тоҳур қабрлари устига икки бўлимдан иборат мақбара қурилади.

XIX асрда мақбара аввалги тарихи ва кўринишлари сақланган ҳолда қайтадан қурилиб тикланган.

Хожа Аҳрорнинг Тошкентда амалга оширган бу хайрли ишлари бесамар кетмади. Тошкент Шаҳристонининг бу ўрдаларида ҳукмдорлик қилган ҳокимлари: Суянчўжагон, Бароқхон ва Дарвешхонлар ҳам қўлларидан келганча ўзларидан из қолдиришга ҳаракат қилдилар. Жумладан, Суянчўжагон, Шайбонийлардан бўлган Тошкент хони (1503 — 1525) бўлиб, Абулхайрхон ва Улуғбекнинг қизи Робия Султонбегимнинг фарзанди. (Абулхайрхон 1412 — 1468, ўзбек улусининг хони 1428).

Шайбонийхон Мовароуннахрни эгаллагач Тошкент ҳукмдорлигини Суянчўжагонга берган (1503 й). Суянчўжагоннинг эсдаликлари Маҳмуд Кўхистонийнинг «Тарихи Абулхайрхон» номи асарига асос қилиб олинган. Суянчўжагон ўз даврида (XVI) Тошкентнинг Себзор даҳасида, ҳозирги Калковуз канали атрофида ажойиб бир сўлим боғ барпо қилиб, уни «Кайкобус чорбоғи» деб атаган. Ҳофиз Тиниш Бухорининг «Абдуллонома» (Шарафномаи Шохий) асариди, XVI асрда Кайкобус канали бўйида (шаҳар кўрғони ташқарисида) «Кайкобус боғи» бўлганлиги ва боғда Тошкент султонлари яшаганликлари айтилади.

1515 йилда Тошкентга келган Навоийнинг шогирди Зайниддин Восифий Тошкент боғларини кўриб лол қолган ва «Тошкент боғ-роғлари васоғинда» номи 120 мисрали қасида ёзган.

БЕҲЗОД — ХАЛҚАРО ТАҢЛОВ ГОЛИБИ


Мамлакатимизда мусиқа санъатини ривожлантириш, ёш истеъодларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, болалар мусиқа ва санъат мактаблари фаолиятини замон талаблари даражасида ташкил этиш юзасидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар самарасида ёшларимиз нуфузли халқаро мусиқа фестиваллари ва кўрик-танловларда муваффақият қозонмоқдалар.

лидир. Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида таълим олган Беҳзод юртимизда ўтказилган «Санъат гунаҳари», «Келажак овози» сингапри республика кўрик-танловларида совринли ўринларни эгаллаган. Хитой, Италия, АКШ каби давлатларда ўтказилган ёш пианиночиларнинг нуфузли халқаро танловларида совринли ўринларга лойиқ топилган. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан ёш истеъодлар учун тасвир этилган «Нихол» мукофотида 2008 йилги совриндорлари сарфида Б.Абдураимов ҳам бор. Лицей директори Дилдора Жамолованнинг айтишича, ушбу билим максадида олти юздан ортиқ бола мусиқа таълими олади. Давлатимиз раҳ-

барининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарориди белгиланган бошланғич мусиқа таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш, моддий-техник базасини шакллантириш, мусиқа маданиятини ва санъат соҳасидаги юқори малакали кадрлар, педагог-мутахассислар билан таъминлаш ишлари мазкур академик лицей фаолиятида ҳам ўзининг амалий ифодасини топмоқда. Бундай эътибор ва ғамхўрлик натижасида маз-

кур лицейнинг Жамшид Саидқаримов, Мухриддин Сайфиддинов, Нодира Дадамухамедова, Агата Ким, Елена Кан, Зарина Гаева, Аскар Салимжонов, Андрей Бреславцев, Тамара Акбарова, Лилия Угай каби қўллаб-қувватловчи Франца, Германия, Руминия, Россия, Украина каби давлатларда ўтган ёш ижрочиларнинг халқаро кўрик-танловлари, фестивалларида олий мукофотга сазовор бўлилар. Буларнинг барчаси юртимизда истеъодли ёшларнинг қамолоти ва истиқболи йўлида ҳаётга татбиқ этилган қўламли чора-тадбирларнинг амалдаги самараларидир.

Назозат УСМОНОВА, Ўза мухбири



Ўн тўққиз ёшли ҳамюртимиз Беҳзод Абдураимовнинг жорий йил Буок Британияда бўлиб ўтган ёш пианиночиларнинг халқаро танловида биринчи ўринга сазовор бўлиши бунинг яна бир дали-



ДУШАҢБА, 13

«Ўзбекистон» 05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07:00 «Илҳом». 07:05 «Ихбор». 07:10 ТВ — анос. 07:15 Телетеатр: «Қор одам воқеаси...».

07:20 «Аллик ёшлар». 21:00 «Ўшак». 21:05 «Ташкент — 2200». 21:10 «Ўшак». 21:15 «Ўшак». 21:20 «Ўшак». 21:25 «Ўшак». 21:30 «Ўшак». 21:35 «Ўшак». 21:40 «Ўшак». 21:45 «Ўшак». 21:50 «Ўшак». 21:55 «Ўшак». 22:00 «Ўшак». 22:05 «Ўшак». 22:10 «Ўшак». 22:15 «Ўшак». 22:20 «Ўшак». 22:25 «Ўшак». 22:30 «Ўшак». 22:35 «Ўшак». 22:40 «Ўшак». 22:45 «Ўшак». 22:50 «Ўшак». 22:55 «Ўшак». 23:00 «Ўшак».

05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07:00 «Илҳом». 07:05 «Ихбор». 07:10 ТВ — анос. 07:15 Телетеатр: «Қор одам воқеаси...».

ПЕРВЫЙ КАНАЛ

05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07:00 «Илҳом». 07:05 «Ихбор». 07:10 ТВ — анос. 07:15 Телетеатр: «Қор одам воқеаси...».

СЕШАҢБА, 14

05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07:00 «Илҳом». 07:05 «Ихбор». 07:10 ТВ — анос. 07:15 Телетеатр: «Қор одам воқеаси...».

ЧОРШАҢБА, 15

05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07:00 «Илҳом». 07:05 «Ихбор». 07:10 ТВ — анос. 07:15 Телетеатр: «Қор одам воқеаси...».

РОССИЯ ТЕЛЕКАНАЛ

05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07:00 «Илҳом». 07:05 «Ихбор». 07:10 ТВ — анос. 07:15 Телетеатр: «Қор одам воқеаси...».

05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07:00 «Илҳом». 07:05 «Ихбор». 07:10 ТВ — анос. 07:15 Телетеатр: «Қор одам воқеаси...».

05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07:00 «Илҳом». 07:05 «Ихбор». 07:10 ТВ — анос. 07:15 Телетеатр: «Қор одам воқеаси...».

ТОШКЕНТ

05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07:00 «Илҳом». 07:05 «Ихбор». 07:10 ТВ — анос. 07:15 Телетеатр: «Қор одам воқеаси...».

05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07:00 «Илҳом». 07:05 «Ихбор». 07:10 ТВ — анос. 07:15 Телетеатр: «Қор одам воқеаси...».

05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07:00 «Илҳом». 07:05 «Ихбор». 07:10 ТВ — анос. 07:15 Телетеатр: «Қор одам воқеаси...».

ТОШКЕНТ

05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07:00 «Илҳом». 07:05 «Ихбор». 07:10 ТВ — анос. 07:15 Телетеатр: «Қор одам воқеаси...».

05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07:00 «Илҳом». 07:05 «Ихбор». 07:10 ТВ — анос. 07:15 Телетеатр: «Қор одам воқеаси...».

05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07:00 «Илҳом». 07:05 «Ихбор». 07:10 ТВ — анос. 07:15 Телетеатр: «Қор одам воқеаси...».

ТОШКЕНТ

05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07:00 «Илҳом». 07:05 «Ихбор». 07:10 ТВ — анос. 07:15 Телетеатр: «Қор одам воқеаси...».

05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07:00 «Илҳом». 07:05 «Ихбор». 07:10 ТВ — анос. 07:15 Телетеатр: «Қор одам воқеаси...».

05:55 Кўрсатувлар дастури. 06:00 «Ассалом, Ўзбекистон!». 07:00 «Илҳом». 07:05 «Ихбор». 07:10 ТВ — анос. 07:15 Телетеатр: «Қор одам воқеаси...».



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Сукротдан: — Айбсиз одам борми? — деб сўраганлариди, у: — Одам айбсиз бўлса, ўлмас эди! — деб жавоб берди.

СИР Афлотун айтади: — Дунёда энг ожиз ва нотавон одам ўз сирини яшира олмайдиган кишидир. Агар киши ўз сирини асрай олмаса, ҳеч қандай дўст уни асрашга қодир эмас!

ЎРГАНИШНИНГ КЕЧИ ЙЎҚ Арасту ёши етмишга етганда барбат чалишни ўрганибди. Шогирдлари: — Оппок сочингиз билан барбат машқ қилгани уялмайсизми? — деб сўрашса, шундай жавоб берибди: — Даврада ўтирган одамлар бу хунарни билган ҳолда, мен кўзимни мўлтиллаб ўтирсам, ўшанда уят бўлур эди. Ҳар қандай илму хунардан хайбардор бўлиш, уни ўзлаштириш йўлида тортиш мумкин бўлган барча азиятларни билиш одамнинг фазилатидир. Жоҳил кишигина бунинг маъносига ташунмайди ва фойдасини билмайди.

НОДОННИНГ ИККИ АЙБИ Афлотун шундай деган экан: — Нодоннинг нодонлигини икки нарса айтиб туради: биринчидан — гапи тутуриқсиз, иккинчидан — жавоби пойма-пой бўлади.

МАСТ ВА НОДОН Арасту шундай деган экан: — Маст кўрмасдан босган тиканнинг дардини сезмаганидек, нодон ҳам нодонлигидан нолимайди.

БЕКОРЧИЛИК Анушервон шундай деган экан: — Бекорчилик кишини беҳуда хаёлларга олиб боради, беҳуда хаёллар эса кишининг осойишталигини бузади.

ШИЖОАТ ЮРАҚДА БЎЛАДИ Анушервон Бузургмехрдан сўради: — Шижоат нима? Бузургмехр унга: — Юракнинг қуввати! — деб жавоб берди.

Анушервон яна ундан: — Нега кўлнинг қуввати эмас? — деб сўради. Агар юракда қувват бўлмаса, — деб жавоб берди Бузургмехр, — қўлда ҳам қувват бўлмайди, қўл қуввати юрак қувватига боғлиқ!

Эрғаш ОЧИЛОВ тайёрлади

БУТУН ИЮЛЬ ОЙИ ДАВОМИДА Consult 3 русумли энг янги диагностика ускунадан фойдаланган ҳолда NISSAN автомобилнинг БЕПУЛ тезкор диагностикаси бўйича АКЦИЯ!!!

Хизматлар лицензияланган Premium Auto телефон: 295-88-77 Nissaning Ўзбекистондаги расмий дистрибутери SHIFT — the way you move

2009 йил 28 июль куни соат 11.00 да тақридан бўлиб ўтказилган аукцион савдосига, Суд Департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси томонидан, ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 06.03.2006 йилдаги ЖСК-1-88/2006-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳар Хамза тумани, 3.Шамуадинова кўчаси, 72 «А» уйда жойлашган, «Тошкент техник таъмирлаш-бўтлаш» корхонасида сақланган «Хундай Акцент» русумли д/р 10Х6036 бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳаси — 11 520 200 сўм.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади! Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан тегишли суд ижрочилиги бўлими вакили иш-тироқда бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш истиғини талабдорлардан аризаларни қабул қилиш билан савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдоларида катнашиш учун талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган заклад қилишуга асосан, мулк бошланғич баҳоси-

нинг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заклад пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатиди ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМБнинг ОАИКС «Илпак Йўли банки» Сағбон ф-даги куйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 202100030057145214, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Манзил: Тошкент ш., С.Раҳимов т., М.Урабозов кўчаси, 1-А-уй. Тел: 228-79-52. www.rkmb.uz

«Ватанпарвар ёшлар» шўба корхонаси тугатилади. Даволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ойгача қабул қилинади. Манзил: Тошкент шаҳри, Сергели тумани, А.Ахматов кўчаси, 4-уй. (Давоми 4-бетда).

